



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 15 август шанба
Сотувда эркин нархда
№ 163 (1944)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ЛЮКСЕМБУРГ ПАРЛАМЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустақамланиб, ривожланиб бормоқда.
Люксембург ҳукумати Европа Иттифоқи Кенгашига Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугатганини маълум қилди. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.
Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ўртасидаги барча соҳаларда яқин алоқаларнинг ҳуқуқий негизини белгиловчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бугунга келиб Европа Иттифоқининг ўн иккита аъзо давлати томонидан ратификация қилинди.
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

КАДАСТР ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида Давлат кадастри бўйича идорадаро комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тегишли вазирлик, кўмита, ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари иштирокида ўтган мазкур йиғилишида давлат кадастр дастурини амалга ошириш бўйича ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси Исмоил Жўрабеков бошқари.
Мажлиса таъкидланганидек, мутасадди ташкилотлар томонидан кадастрлар юриштиринг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ер майдонлари, бино ва иншоотларни қоллаштиришининг ягона тизимини жорий этиш, бу соҳа учун мақолали мутахассислар тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ва бошқа хорижий ташкилотларнинг молиявий кўмагида кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишда ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, Тошкент шаҳри ва бир қатор вилоятлар кадастр хизмати ўз фаолиятини тезкорлик билан ташкил этиб, сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат ўрмон кўмитаси давлат кадастрлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни ўз вақтида амалга оширмади. Айрим жойларда бино ва иншоотларни давлат рўйхатдан ўтказишни таъминлаш масалалари етарли ҳал этилмаган. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фаргона ва Хоразм вилоятларида аҳоли пунктларининг чегараларини аниқлаштириш ишлари сўст бормоқда.
Хозирги кунда турли ташкилотлар томонидан турлича услубларда амалга оширилаётган кўчмас мулкни баҳолаш масаласи ҳали ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Мажлисада кўчмас мулкни баҳолашнинг давлат стандартлари ва ағона услубини тайёрлашни жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.
Кун тартибидagi масала юзасидан «Ўзгеодекадастр» бош бошқармаси раҳбари А. Абдуазизов, ақлия вазирининг ўринбосари М. Жалилов, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов ва бошқалар ахборот бердилар.
Мажлисада ўрмон, шаҳар қурилиши, ҳайвонот олами, тарихий ва маданий ёдгорликлар, алоқа тармоқлари давлат кадастрларини юришти ҳақидаги низомларни ишлаб чиқиш, ер майдонлари, бино ва иншоотларга кадастр номерлари беришни жадаллаштириш, кадастр хизмати фаолиятини ривожлантириш, биржа орқали сотилган кўчмас мулкни нотариал расмийлаштириш масалаларини ҳал этиш юзасида тегишли топшириқлар берилди.

(ЎзА)

ДЕҲҚОНЛАР КЕНГАШИ

Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани «Боғизагон» ижара хўжалигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими А. Мардиев олиб борди.
Семинарда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуналарини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари қандай бажарилаётгани билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
Кенгашда вилоятда бу борадаги ишлар қандай бораётганини ўрганган республика комиссиясининг ахбороти тингланди. Бугунги кундаги энг долзарб вазифалар — ғўза парваришини жадаллаштириш, техникани мавсумга пухта тайёрлаш, шунингдек қалладан бўшаган ерларни шудорлаш, тақририй экинларни парваришлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Х. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқ Кения ва Танзанияда Америка Қўшма Штатларининг элчихоналарига қарши ваҳшиёна ҳаракатлар натижасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон қўрғаб одамларнинг қурбон бўлишига ва моддий зарар етишига сабаб бўлган бу қонли жиноятдан нафратланаётганини билдириб, ҳозирги вақтда турли экстремист қўлларинг асосий қуролларидан бирига айланиб, халқро тус олаётган ва кескинликни келтириб чиқаришни ҳамда тинчликка қарама-қарши туриш мақсадини қўзғайётган террорчилик ҳаракатларини қатъан қоралайди.
Ўзбекистон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини терроризм ва зуравонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий ҳаракат қилишга чақиради.
Тошкент, 1998 йил 14 август.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ



Пойтахтимизнинг қоқ маркази — Матбуотчилар кўчаси билан Амир Темура хобони туташган эъй яқинида мустақим бино қад рост-ламоқда. Ана шу ерда барча шарт-шароитларга эга, жаҳон андозаларига мос келадиган «Бизнес-марказ» бунёд этилмоқда. Қурилиш ишларини «Тошўйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 12-трестнинг 51-қурилиш бошқармаси биноқорлари олиб бораляпти. Иш кеча ва кундуз таъкил этилган. Б. Турдиқовлов бошқарувидаги бригадаси меҳнати таҳсинга лойиқдир.

СУРАТЛАРДА: бинонинг умумий кўриниши; монтажчилардан А. Мўминов, Т. Иброҳимов, И. Нурбоев.
В. ПОРТНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Президентимиз Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мамлакатимизда ўтказилаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» халқимиз маънавий дунёсини бойитишда, миллий мафқурани шакллантириш, ва-тандошларимизнинг эстетик дидини ўстириш, ёшларимиз баркамоллигини юксалтиришда муҳим ўрин тут-моқда.

Бу ўзига хос маданият ва санъат байрамига тайёрларлик чоғида келажак буюк давлатимиз, унинг бунёдқор халқини маҳд этувчи, инсонлар қалбига она-Ватанга меҳр-муҳаббат, истиқлол гоиларига садоқат туйғуларини тарбияловчи қўллаб юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқлар яратилмоқда.
Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига бағиш-

ланган республика қўшиқ байрами кўрик-танловининг якуний босқичи «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Уни маданият ишлари вазири, республика қўшиқ байрамини ўтказиш ташкили кўмитаси раисининг ўринбосари Хайрулла Жўраев очиб, улкан санъат байрамига айланган бу тадбир тобора анъанавий тус олаётгани халқимиз маданий ҳаётида қувончли воқеа эканини таъкидлади.

(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

ХУРРИЯТ ИҶЛИ

Хурият!
Опамдирсан, қўлларингни бер,
Хуш кўрдим!
Кўнглидай ёришар олам.
Хуш кўрдим!
Дилминг ёришувачи нур.
Хуш кўрдим!
Хур тонгда туғилган болам.

Хурият!
Созингдан —
йўлларинг узок...
Кўларим сочила кетди мозийда.
Издадим.
Хар қадам ҳийлаю тузоқ...
Хуш кўрдим,
Соғ омон ўтдинг мозийдан.

**Қарасин кўтариб толди қанотим,
Қарасларда қолди куйим, баётим.
Зимистон дунёда... бошим устида
Кўзгунлар айланди, тўпиди ҳаётим.**

**Эрк дедим!
Куйлатдим суяқларимни.
Эрк дедим!
Гулладим тилақларимни.
Адашган замоннинг ўқлари меғди —
Қонимга ботирдим кўлақларимни.**

**Кўп кутдим...
қаҳрлар кўзга тиди мени,
Қон ютдим...
мақрлар тўзғитди мени,
Жон тутдим...
баҳрлар изғитди мени...
Хўп кутдим. Кўп кутдим... Озодлик Сени.**

**Замин айланмади...
айланди бошим.
Қисмат, тушмаган кез қўлданган тошинг —
Дедим:
Хурият бўлса... етмаган Халқмас!
Шукр!
Бир тонг чиқди менинг Кўйшим**

Бир тонг...
кишанларим узлиди чил-чил,

**Бошимдан ойбола қайтди —
зия-замбил.
Йилгадим...
кўзимнинг йшлари дарё...
Бу дарё бўйида... гуллар Сусамбил.**

**Ассалом, озад Юрт!
Ассалом, Ота!
Ассалом, хур озад туғилган болам...
Сунбула тонгда уйғонган Ватан,
Ассалом, қўлга айланган нолам.**

**Қалқиб оқайтеган дарёдирсан Халқ,
Қора қунар қолди — аччиқ, шўру тах.
Енигдан киргувчи ёғиларинг бор
Бир тап бўла, бир жон бўла...
Эрк деб энди қалақ!**

**Сен Озод бўлгунча...
ой қаро бўлади,
Кўйи нур сочмади...
Кун қаро бўлади...
Сен Озод бўлгунча...
дард аро бўлдинг,
Ўлдинг, уздирдилар... оворо бўлдинг.**

**Бугун Сен Озодсан...
Бугун хур бўлдинг,
Бугун баанд бўлдинг...
Бугун нур бўлдинг.
Овозанг оламга ёйлади — Айём!
Айёминг муборак...
Миллат, зўр бўлдинг!**

**Сен бахши... Сен эса шўру замон
Куйласанг пойнига қўқиди осмон.
Утла нафасиндан қуйчи ўғломин
Ўзгониб уйғонган Она — Туркистон.**

**Қодирий розидир, розидир Ҷўлон,
Жонни аямасан — эрк учун ўясам.
Не қалпти? Шаҳидлар юрагинг олиб
Эрк туғи қўлимда, қайтадан келсам.**

**Ассалом, Озод юрт!
Ассалом, Ота!
Ассалом, хур Озод туғилган болам!
Сунбула тонгда уйғонган Ватан,
Ассалом, қўлга айланган нолам.
Кўчқор НОРҚОБИЛ.**

ШИНАСИ ҲАМ ЎЗИМИЗДАН БЎЛАДИ

«Ўзбекрезинотехника» корхонаси «Омаски-на» заводи билан «Дамас», «Тико» автомобиллари учун шиналар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очадиган бўлди. Айни пайтда ушбу автомобилларнинг аксарият бутловчи қисмлари юртимизда тайёрланапти. Бироқ шина масаласида хорижга мурожаат қилишдан тийилганимиз йўқ эди. Энди бу муаммо ҳам ечимини топадиган бўлди.
Ўз мухбиримиз.

УШБУ СОНДА:

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ
ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ
СОЛИҚ ТИЗИМИДА БЮДЖЕТ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ СЎЗСИ
БАЖАРИЛИШ КЕРАК
2-бет

РАҲБАР МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ
3-бет

ЎЗАЛ ХОТИРОТ
МУШОИРА
ЭТАДИ ДАВОМ
4-бет

АЙЁМ АРАФАСИДА

Ҳадемай мамлакатимиз хақи кутлуғ байрам — Истиклолнинг 7 йиллигини кенг нишонлайди. Бу айём арафасида ўзла муҳбири Ўзбекистон Мустақиллигини биринчилар қаторида эътироф этган дўст мамлакат — Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фахқуллода ва Мухтор элчис Мамдўх Шавқийга мурожаат қилиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар, Ўзбекистонда кечайтеган ўзгаришлар ҳақидаги таассуротлари тўғрисида суҳбатлашди.

«ОРЗУ — УМИДЛАРИМИЗ МУШТАРАК»

— Сиз билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида суҳбатлашиб турганимдан беҳад хурсандман, — деди Мамдўх Шавқий. — Мен бу йил Истиқлол байрамини иккинчи мартаба ўзбекистонлик билан биргаликда нишонлайман. Мустақиллик эълон қилинган кунни ўзбек халқи учун кенг орзу-умидлар йўли очилди. Ўзбекистон ўтган қисқа даврда ривожланишининг аниқ йўлига тушиб олди. Муваффақиятларни юртингизда рўй бераётган ҳар кунги ўзгаришларда кўриш мумкин. Бу ўзгаришлар нафақат иқтисодий-сиёсий, балки ижтимоий соҳада ҳам юксак даражадалиги билан қадрлидир. Бунинг Мисрдан Ўзбекистонга ташириб буюрган олий фуқаро ҳам, расмий делегация аъзолари ҳам бир хил эътироф этади.
Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги равишда ривожланиб бормоқда. Бунга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизга расмий таширифи ва Миср Президенти Мухаммад Хусний Муборак билан учрашуви давомида келишилган ахдлушувлар асос бўлди. Ушбу ташириф давомида илм-фан, транспорт ҳамда савёҳлик соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланган. Суҳбатимиз бевосита ўтган етти йиллик даврдаги алоқалар тўғрисида кетар экан, илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик юқори даражада эканини алоҳида таъкидлашнинг истаг эдим. Яқинда Тошкентда Ўзбекистон-Миср ҳукуматларро қўшма комиссиясининг ўнчинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уйдайлманки, бу анжуман икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтарди.
ислохотларнинг Мисрдаги ўхшаш томонларини нималарда кўрасиз?
— Аввало, икки давлатнинг муштарак томонлари кўп эканини айтиш мумкин. Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам ўз минтақасида тинчликни мустақамлаш тадбирларининг ташаббусқори. Халқларимиз мустақиллигини бунёдқорлик йўли билан мустақамламоқда.
Амалга оширилаётган ислохотлар марказида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш гоёси ётади. Миср Президенти Мухаммад Хусний Муборак ҳар доим ўз чиқишларида бу ислохотлар фуқароларга салбий таъсир кўрсатмаслигини кераклиги, шунинг учун ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни эътибордан қочирмаслик лозимлиги тўғрисида кўп таъкидлайди. Ўзбекистонда ҳам аввал бошданлаб ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Иқтисодий тун этиб келган. Ўзбекистоннинг бетакрор обидалари овозаси ҳам олис-олисларга етган. Икки мамлакат ўртасида савёҳлик соҳасидаги алоқалар қандай ривожланмоқда?
— Мисрини жаҳон маданиятининг бешиги, дейишади. Бир тарафида Қизил денгиз, бир тарафида Ўрта Ер денгизи жойлашган, фиръанлар ва Ислам даврига оид ёдгорликларнинг қўлиги боис ҳам бизда савёҳлик яқин ривожланган. Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак: дунёда археологик қазилар натижасида топилаётган ёдгорликларнинг тўртдан уч қисми шу ерта тўғри келади. Ўзбекистон ҳам тенги йўқ ўзал мамлакат. Бу ердаги обидаларнинг ҳам қадимийлиги ва ўзга мамлакатда бундай шох асарларни топиш маҳоллиги юртингизда савёҳликни ривожлантириш учун катта имкониятлар очди. Миср билан Ўзбекистон ўртасида бу соҳада ҳам-

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ватан уйимиз остонасидан бошланади. Одам ўз уйига эгаллик қилар экан, унинг тўқис ва фаровон бўлиши учун жавобгарлик сезади. Чунки эгаллик туйғуси ўз уйини файзли ва кўркам қилиб тутиши масъулияти билан бирга тугълаб, бирга ўсади.



ларимизда ватанпарварлик туйғуси эгаллик ҳисси билан бирга ўсиб, мустақамлашиб бормоқда. Бунинг мен шу йил ёзда Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафар қилганда дил-дилдан ҳис этдим.

Янги иш услуби ва одамларнинг тафаккурдаги яхши ўзгаришлар бу кўрик вилоятларда ҳам гайли ва пахта ҳосилини йил сайин ошириш имконини бермоқда. Жиззах вилояти давлатдан дон топиришда республикада энг илгор марралардан бирини эгаллади. Сирдарё вилоятида ҳам Президентимизнинг фермерлик ҳаракатига ва оила идоратига

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 22 июль сонида «Қорқондаги сарвахали мақола» чоп этилган. Унда Нукусдаги марказий бозор ва унинг бўғимларидаги камчиликлар очиб ташлангани, «Энг ачинарлиси, — деб таъкидланганди мазкур мақолада, — спиртин ичимликлар ва тамоки маҳсулотларини қайриқонуний сотиши қамалмаётган. Бу ҳолга барҳам бериши керак бўлган ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари ҳодимлари, тўғрисида айтиш лозимки, ўз ишларида аялданмаган.

«БОЗОР БАРАКАСИ ҲИММИГА БОҒЛИҚ»

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-майори жаноб Ж. Шилмановдан тахририят ушбу мақола юзасидан қўрилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот олди. Унда айтилишича, танқидий мақола кейнгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинган. Муҳокамада Қорақалпоғистон ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Бобононов ҳамда вазирликнинг бошқа масъул ходимлари, Нукус шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари ҳамда мақолада кўрсатилган патруль-пост хизмати ротасининг милиция ходимлари, республика солиқ бошқармасининг ҳамда шаҳар солиқ инспекциясининг ходимлари, Нукус шаҳар деҳқон бозори очик турдаги ҳиссдорлик жамияти раҳбарлари қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаб даражасида бажарилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Фарғона vodiysi, қадимий шаҳар Қува... Шу жойга киндик қони томган буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонлаш учун амалга оширилган ишларнинг улкан кўлами кишини ҳайратга солади. Ҳудди шундай улғун бунёдкорликлар Самарқанд яқинида Имом Бухорийнинг 1225 йилги арафасида яхшироқ етказилмоқда. Утган йили Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги жаҳон миқёсида қандай ажойиб нишонлангани ёдимизда турибди. Энди етти ёшга тўлаётган мустақил давлатимиз минг йилликлар юқини паҳлавонларча елкасига олиб, энг юксак маънавият чўққиларига чак кўтариб олиб чиқаётгани дилмишни ифтихор туйғусига тўлдирди.

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ



Анджон вилоятида янги замонавий техникани эгаллаган мутахассисларни кўрсатганида, уруғлик дон етиштириётган галлалар билан танишганимизда ўлмас ажлодлар руҳи, Ватан туйғуси уларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшаётгани сезасиз.

хонада ишлаётган юксак малакали миллий кадрларни кўрсангиз дилингиз яйрайди. Уларнинг ақсари кўпчилиги маҳаллий ёшлар, ўзбеклар. Шуру даврда бундай манзарани тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

танининг фарзандларига яхши хизмат қилаётган Асака машиналари ҳозир чет элларда ҳам талаб қилиниб бормоқда. Чунки ўз қалнини баланд тутишлари ўзгалар орасида ҳам қадр-қиммат топиши азалдан маълум.

энергия бериб турибди. Лекин Ширин шаҳрида қад кўтарган Сирдарё ГРЭСи ҳозир соатига миллионлаб киловатт электр энергияси ишлаб чиқараётганини, бутун аҳолини ҳам, қорхона ва муассасаларни ҳам энергия билан тўла-тўқис таъмин этиш орқали ҳаётимизнинг кўрқига-кўрк қўшиб турганини билсангиз, бу катта жамоага тасанно айтганингиз келарди.

ин аҳволларга солиб қўяётганини зангори экранларда деярлик ҳар куни кўришингиз мумкин. Ҳар сафар Сирдарё ГРЭСига йўлим тушганда унинг бошқарув пултида ҳам, барча шехларда ҳам юксак малакали миллий кадрлар кўпайиб бораётганини кўраман. Собик шўро тузуми бундай улкан ГРЭСларни ишлашга ва бошқаришни миллий кадрларга ишониб топширмак эди, ҳужайинлик ва эгаллик имтизидан ажралиб қолишдан хавфсиз эди. Мана, ҳозир Сирдарё ГРЭСидаги қудратли қорхона ҳам миллий кадрлар аъло даражада бошқариб турибди. Бир вақтлар шу ГРЭС тарбиясини олган, кейин Таллимаржонда тажриба ортирган олий малакали энергетик Зокиржон Холиқов директор бўлиб келгандан бунён бу нурхонадаги файзу барака орди, тартиб-интизом, нуқлик ва ойлик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари янада яхшиланинг.

этиборини кучайтириш ҳақидаги кўрсатмаларига астойдил амал қилинди. Меҳнатобод тумани бир неча йил сурункасига қолоқликдан чиқолмай келарди. Туманда шўр босган ерлар кўпайиб, ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Йил бошидан ерларнинг шўрлини ювишга, дренажларни тозалашга катта кучлар сафарбар қилинди. Аввалги йилларда илгор ҳўжаликни бошқариб тажриба ортирган Норингит Раҳимбердиев тумандаги бошқарув ишларини янгидан ташкил қилди, техникани кенг йўл очди, қўлидан иш келадиган фермерларга барча шароитни яратиб берди. Натигада Меҳнатобод тумани бу йил галла топиришда илгорлар сафига чиқди. Холмат Норчаев номли ширкат ҳўжаликни текширидан 45 центнердан ошириб хирмон кўтарган галлалардан дон топириш режасини икки-уч баробар ошириб адо этдилар. Фермерларнинг шахсий оқиботлари ҳам йил буйи оми ёпишга етадиган даражада донга тўлдирди. Президентимиз Фармони

Пиринкул ҚОДИРОВ.


СОЛИҚ ТИЗИМИДА

Мустақиллик туйғуси мамлакатимизда янги типдаги солиқ тизими юзага келди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекс яратилди. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳаққимизда солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга онгли муносабат шакллари бўлади. Натигада давлат бюджетининг даромади қисми йил сайин бойиб бормоқда. Утган йилларда бирор ой бўлмадики, солиқлар ва мажбурий тўловлар

бўйича башорат кўрсаткичлари бажарилмаган бўлса, бюджетга тўловлар бўйича боқимандаларни қамқатириш, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туйғуси 1998 йилнинг биринчи ярмида 35,1 миллиард сўм ўзаро ҳисоб-китоб қилинди. Ҳўжалик сулаларининг қарори билан 500 та қорхона мулк ҳисобидан бюджетга 634 миллион сўм ундириб олинди.

Жойлардаги солиқ идоралари шу ҳужжатлар асосида алкоғолли маҳсулотларнинг майда чакана савдо тармоқлари (савдо залига эга бўлмаган дўконлар, киосклар ва палаткаларда, деҳқон бозорларида ва улгурчи бозорларида сотишга чек қўйишмоқда. Ақши маркалари билан марказланмаган алкоғолли маҳсулотларни сотганлик учун юридик шахсларни алкоғолли маҳсулотлар сотиш ҳўқуқини берувчи рўхсатнома (лицензия)лардан маҳрум қилмоқдалар. Утган икки ой мобайнида солиқ идоралари туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари билан ҳамкорликда текширувлар ўтказиб, юридик шахсларга алкоғолли ичимликлар сотиш ҳўқуқини бекор қилдилар.

«ВИНКЛЕР» ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲРНТИЛГАЧ...



Нукус ун заводи ҳиссдорлик жамияти хизмат сифатини яхшилаш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасида доимий изланиётган жамоалардан саналади. Бу ерда яқинда аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Жамият қошида кунига 1,5-2 тонна иссиқ нон ишлаб чиқарадиган, Германиянинг «Винклер» жиҳозлари ўрнатилган янги нон ва нон маҳсулотлари цехи иш бошлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 30-35 турдаги маҳсулотлар сифатлиги боис харидорчи бўлаётди. СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотлар дўкони сотувчиси Умида Эркаева; дўконнинг ташқи кўриниши. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Шу билан бирга давлат солиқ органлари ҳали бюджетдан қарзларни қорхоналар мулк ҳисоби билан ундиришни ўзларига берилган ваколат имкониятлари даражасида амалга оширмаётган. Текширувларда аниқлаштиришча, республикамизнинг бир қатор ҳудудий солиқ органлари бу йўналишда ишларни амалдаги тартибга риоя этмаган ҳолда олиб бормоқда. Хусусан, Қорақалпоғистонда қорхонага қарзни ундиришни мулкка қаратиш тартиби қўлланилаётгани тўғрисидаги оғоҳлантириш хати топширишга эътибор берилмаган. Боқимандани ундириш тўғрисидаги даъво аризалари тўғри қўғалиқ судига топширилган. Ваҳоланки, қардор қорхоналарнинг олдига 85 фоизи бюджетдан қарзини оғоҳлантириш муддатида тўлашга улгурди ва бундай ҳолатда ҳўжалик судига даъво аризаси беришга ҳожат қолмайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги бир қатор солиқ идораларида эса даъво аризалари топшириш асосида равишда кечиктириб юборилган.

жетиға тушаётган солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдори бир миллиард 300 миллион сўмга қўпайди. Аини пайтда юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет олдидagi мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги назорати ҳам кучайди. Утган даврда республика солиқчилари 36150 нафар юридик шахсларнинг ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган 58358 нафар жисмоний шахсларнинг фаолиятини текширувлар ўтказдилар. Шунда юридик шахсларнинг

юртиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини ҳам назорат қилишлари лозим. Бизда эса ҳали ҳисоботларни ўрнатилган тартибга риоя этмасдан қабул қилиш ҳоллари учраб турибди. Бу албатта, бухгалтерларимиз интизомини мустақамлашмайди, ақсинча, сувайишига олиб келади. Ваҳоланки, солиқ инспектори бухгалтерия тили билан айтганда, балансини «қўқи» ва шу орқали қорхонанинг бугунги аҳолини таҳтил қилиш, эртанги фаолияти иқтисодий на-

қорхонада текширувлар ўтказилганда 129 қорхонада солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузиб келинганлиги маълум бўлди. Оқибатда бу қорхоналар давлат бюджетига қўшимча 427,9 млн. сўм солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашга мажбур бўдилар. Бундан ташқари, улар 197,3 млн. сўм жарима ҳам тўлайдилар. Агар даромадлар яширилмаганда, бюджет олдидagi мажбуриятга тўғри амал қилинганда, бухгалтерия ҳисоб-китобда чалтиқликларга йўл қўйилмагани-


БЮДЖЕТ ОЛДИДАГИ МАЖБУРИЯТ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК

63,9 фоизда ва жисмоний шахсларнинг 66,9 фоизда турли хил қонунбузарликлар мажбурият аниқланди. Қонунбузарликларга йўл қўйган 72116 нафар юридик ва жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда 388 миллион сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бундай ноҳус ҳолатлар, аввало, солиқ қонунчилигини пухта билмаслик ёки эътиборсизлик, бухгалтерия ҳисобидagi пала-партишликлар оқибатда келиб чиқмоқда. Қўп қорхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш юзасидан зарур чоралар қўрилмапти. Қўп жараёнлар ҳамон қўл кучи билан бажарилапти. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳаётга татбиқ этилганига мана бир неча йиллар бўлиганига қарамай услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган. Оқибатда натижада жуда кўп ҳўжаликларда ушбу қонун талаблари ҳамда тегишли низомланинг шартлари ҳисобга олинган методик кўрсатмалар ҳанузгача йўқ. Шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишига бизнинг ҳудудий солиқ идораларимиз ҳам ҳимкорлик кўрсатишимиз лозим. Чунки қорхоналар бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботни банкка, статистика ва солиқ органларигагина топширадилар. Бирок банк ва статистика идоралари назорат қилишда солиқ инспекцияси каби ваколат ва имкониятларга эга эмаслар. Шу сабабли ҳам солиқ идоралари нафақат солиқ қонунчилигига, балки бухгалтерия ҳисобини

тижаларини таъминлашга қодир бўлиши ҳамда бухгалтерияларни ҳам шунга йўналтириши лозим. Қорхоналарнинг иқтисодий аҳолини таҳтил этиш ва тўлов интизомини мустақамлаш, шартномаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш борасида ҳам етарли тадбирлар амалга оширилапти. Қонунда белгиланган — қорхоналарнинг айланмадаги активларини уларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий баҳолаш амалга оширилмаган. Бу камчиликлар ва бухгалтерия ҳисобини аниқ ва тўлиқ юритилмаслиги ташкилотларга ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишига тўқениклик қилмоқда. Натигада шу йил 23 июль кунин Вазирлар Маҳкамасида, республика халқ ҳўжалигининг биринчи ярим йиллик иш якулига бағишланган мажлисда ташвиш билан гапирилганидек, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиши, тўлов муддатларининг ўтказиб юборилиши ҳоллари мажбурият бир қатор раҳбарларнинг ҳали ҳам боқимандалик кайфиятида эканини билдиради. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Давлат тартиби — аввало тўлов тартибиди»га риоя қилишдан бошланади.

Тўлов тартибларини риоя этмаслик, энг аввало, қорхонага, унда меҳнат қилаётганларга ва охири-оқибатда республикамиз иқтисодини ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яқинда республика солиқчилари спирт ва алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқарувчи 141



ЯНГИЛИК ТРАКТОРЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Чирчиқдаги қишлоқ ҳўжалиги машиналари қорхонаси жамоаси ярим йиллик якунларга кўра 458 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режа кўрсаткичининг 114,7 фоизга улғайди. Қорхона очик турдаги ҳиссдорлик жамиятига айлантирилган, барча соҳаларда ижобий натижалар қўзғашаётган. Биргина 1997 йил сарҳисоби буйича олинган даромадининг 60 фоизи — 57 миллион сўм ҳиссдорларга дивиденд қилиб берилди. Бу ерда унлаб ўз қабсининг усталари меҳ-

нат қилади. Уларнинг изланишлари, соҳа олимлари билан ҳамкорлиги натижаида қорхонада «Кейс» русумли ҳайдов тракторлари учун плунжир тажриба нуҳаси яратилди. Машинасозлар бугун қишлоқ ҳўжалигида меҳнат қилаётганларни енгил қилиш мақсадида тўза қатор орасига ишлов берувчи агрегатлар, қурак тераш машиналари ва юздан зиёд турли русумли тракторлар учун эҳтиёт қисмларни тайёрлашмоқда.

Ш. КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РАҲБАР МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ри...

Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини кре...

интизоми ва ўзаро ҳисоб-ки...

фақат ички бозор, балки хо...

лаб чиқиш, рентабелли хўжа...



Шуни алоҳида таъкидлаш...

— Гапни Президентимизнинг...

қурлаштириш юзасидан тас...

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

дебитор-кредитор қарзларнинг...

олиятига кўмаклашиш билан...

«Қишлоқ хўжалик корхона...

Вазирлар Маҳкамасининг...

сини кенгайтиришга чет эл...

Бир сўз билан айтганда...

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

15 август — Ҳиндистон мустақиллиги куни

Ҳинд дёбирида мустақиллик эълон...

лан боғловчи, бизнинг Турон...

1947 йилнинг 15 август тоғо...

Республикамиз мустақилликка...

Ҳиндистон ярим асрлик муста...


1994 йилнинг 3-5 январь кунла...

У пилла етиштириш, цемент...

Сафар мобайнида иқтисодий...

Бизнинг қўшни Ҳиндистон би...

Ўзбекистонда юзлаб ўзбек-хинд...




Анвар КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди.

КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН МАМЛАКАТ

14 август — Покистон Ислон Республикаси мустақиллиги куни

Бундан 51 йил муқаддам Бри...

Қўшилмаслик ҳаракати, Ислон...



Покистон аграр-индустриал...

Покистоннинг ярим асрлик та...

Покистонда даромд аҳоли жон...

Ҳозирги ҳукуматнинг сиёсий...

Покистонда даромд аҳоли жон...

Саодат НОРҚҶЗИЕВА, «Жаҳон» ахборот агентлиги мурбири.



«КУКСАРОЙ»ДА БУЛБҮЛ ХОНИШИ

Бир томони қир-адирлару...



нинг қалами узилмайд. Бу...

«Куксарой» юрдошларимиз...

оқдөгган жилгалар беихтиёр...





ГҲЗАЛ ХОТИРОТ

Даламнинг ўрнига қолгансан дея укаси — ўзингиз Омон акага бор меҳрини тўкиб, ўзи астагина унинг пинжига чўқади. Уканинг вақти тигизилган бундай дарлашув лаҳзалари доим ҳам бўлавермаса-да, Омон ака опасининг кўнглини гул-

МУШОНРА ЭТАДИ ДАВОМ

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида ўзбек шеърини юлдузларидан бири Зулфияни хотирлаш кечаси бўлиб ўтди

Чиндан-да жума ҳосиятли, муродбахш кун бўлгани учунми ёхуд устоз-дўстларингиз, шогирдларингиз мухлисларингиз Сизни севиб соғинганлариданми, зал тўлгандан тўлиб бораверди. Сизни танигану таниманганлар, билгану билмаганлар-да саф-саф бўлиб келаверишди. Йўлакларда ҳам тумонат таниш ва нотанишлар. Сиз эса гўё ҳаётидан бир четда ўтириб, ҳаммани жимгина кузатаётгандек туюласиз менга. Жонингиздан жон бўлиб чиққан қизингиз — Хулқар опам катта-катта чарос қўзлари билан майин боқди. Унинг нигоҳлари беғубор, тиниқ, эркаловчи, айни пайда негидар мушук, интиқ. Билман, у ҳаммиса Сизнинг гўзал хотиротларингиз билан нафас олади, шеърларингизни қайта-қайта ўқийвериш ёд қилиб юборган, суратларингизни йиғлаб-йиғлаб томоша қилади. Бу билан ҳам тафти босилмагач дўсту дугонларингизга кўнгирак қилиб ҳол-аҳвол сурайдди, вақт топса уйларида бирор бориб кўриб келади. Сиз юрган йўллардан изингизни излайди, ҳидингиз келар деб Сиз бош қўйган болишларга юзини босади.

дай авайлайди. Икки ҳамлард бир-галлашиб Сизни ва Ҳамид Олимжонни, ўзларининг болалик дамларини ёдлашди.

Мана ҳозир ҳам Хулқар опа кўлини иягига тираб, хаёллар оғушида ўтирибди. Келувчиларнинг ҳамон кети узилмайди. Жой етмай тикка турганлар қанча. Қизиқ, шунча одам кириб келяпти-ю, хонага сизмай қолмапти. Ушбу манзарани кузатарканман, бир нарсасига хаёлим кетди. 1968 йилнинг ёз ойларида биз — ТошДУ филология факультети талабалари халқ ичида юриб, халқ оғзаки ижоди бўлган асарларни ёзиб олиш ва тўплаш учун Туркистон қишлоқларига практикага боргандик. Шунда кимдир ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбараларини ҳам зиёрат қилайлик, деган таклифини айтиб қолди. Бундан ўқитувчиларимиз кўрқиб кетишди. Чунки диний-мистик гоғлар тарғиботчиси деб ном олган, кўпчилик исмини айтишга ҳам кўрққан ҳазрат мақбарасига талабаларни олиб борган ўқитувчининг ишдан бўша-тилиши ва ҳатто қамалиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди ўша пайтларда. Ёшиқда одамнинг юрагига ёли

гапни айтишди. Ўшанда асакалик курсдошим Жалолиддин (жойи жаннатда бўлсин) эшикларга осилган қулфларни хазина пойлаб ётган аждаҳоларга ўхшатганди. Бизлар ичкарига киришдан умид узиб, планжара-деразалардан мўралаётган, мақбара девори тупроқларини яширинча юз-кўзимизга суртаётган бир пайтда осмондан тушдики, ердан чиқдики, тўсатдан бир мўсафид пайдо бўлди. Биз ундан мақбара ичи кенгми, кирсак ҳаммамиз сизгармидик деб сўрадик. Унинг жавоби шундай бўлди: «Мақбарасига ўнча одам кирсин, юзта одам кирсин, бир кишилик жой ҳаммиса бўш туради».

Ушанда бу гап ҳикматини бир мен эмас, балки кўпчилик англаб етмагандик. Бугун эса, Зулфия опа, ўша воқеани сиз туфайли яна эсладим. Ва амин бўлдим: Яратганинг мўъжизалари бисёр ва бетакрор. Биз уни англамоққа ожиздир-миз.

Сўнг Ёзувчилар уюшмаси рассининг ўринбосари, гулдирак овозли шоир Йўлдош Сулаймон минбарга чиқиб, Сиз ҳақингизда қуйиб-пишиб жуда чиройли сўзлади,

сўнг кечани очиб деб эълон қилиб Ўзбекистон халқ шоири, «Саодат» журналининг бош муҳаррири, шогирдингиз Ойдин Хожиевага кеча мутасаддилгини топширди. Ойдин опадан сўнг Муҳтарам Улугова, Мукаррама Муродова, Шарифа Салимова, Шоҳида Шоҳимардонова сўзларини эмас, кўнглини тингладик. Қорақалпоқ ёзувчиси Т. Қаипбергеновнинг Сиз ҳақингиздаги илиқ сўзлари, улкан хурмати, Ҳамид Ғулум билан Рамз Бобожоннинг ўқиган шеърларию хотиралари, меҳр-муҳаббатлари кўнгиладан, юракдан сизиб чиққанлиги билан қадридир. Шунингдек, босилмай қолган асарларингизни на-ширга тайёрлаш, Сизни ўсиб келаятган янги авлодга таништириш, бугунги шеърининг вазифаси ҳусусидаги таклиф ва мулоҳазалар ҳам жўяли бўлди. Бундан менинг қўзларим қувонч ёшларига тўлди-ю, «Мушонра» номи шеърингиздан ёдимда қолганларини унсизгина такрорлай бошладим:

*Гўзал тупроқ узга қўйилди оқим,
Кўнгуз алар дам.
Жўнган мушона этади давом,
Дўстим, кел сен ҳам!*

*Бунда узқанда дўст бўлар яқин,
Санаёт, меҳоратнинг мактаби бунда.
Қоғиз, сўз, мисра бахслари қазин,
Юраклар даврага қиради бунда.*

*Сен эмас эмассан, Сен — юк, сен — орам,
Орау покиса.
Сен ҳаёт! Ҳаётини қўйса сен мўдом
Эй Мушона!*

Чиндан-да букун нафақат мушонра ёки хотира кечаси, балки юраклар сўзлаган ва даврага кирган кутлуг кун бўлди.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНДА «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ ЎТҚАЗИЛАДИ

Эркақлар ўртасида бўлди. У «Ай-Ти-Пи» компанияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мақсада Самарқандда ўтказилган халқаро мусобақа-турнири ўтказилди.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

БАРЧА МАНФААТДОР ШАХСЛАРГА! РАСКЕХРО-98 ва IЕFP-98

АҚШнинг Илинойс штатидаги Чикаго шаҳрида 1998 йил 8 ноябрдан 12 ноябргача ер шарининг Ғарбий қисмидаги қадоқлаш ва қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларнинг РАСКЕХРО-98 ийрик кўргазмаси бўлади. Кўргазма қадоқлаш ускуналари ишлаб чиқарувчилар институтини (РММ) ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари етказиб берувчилар Ассоциацияси (FPM8SA) томонидан ташкил қилинмоқда.

РАСКЕХРО-98 кўргазмаси 1998 йили озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш халқаро кўргазмаси (IEFP-98) билан биргаликда ўтказилади. Ҳар иккала кўргазма ташкилотчилари жаҳоннинг 80 000 дан ортиқ шу соҳа малакали мутахассисларини кутмоқдалар. 111 миң кв. метр майдонда 1800 дан ортиқ компаниялар ўзларининг қадоқлаш, қайта ишлаш, материаллар, хизмат кўрсатиши ва технологияларнинг энг сўнги ишлаб чиқариш намуналарини намоиш этишди.

РАСКЕХРО-98 ва IЕFP-98 кўргазмаларга ташриф буюрувчилар ишлаб чиқаришнинг энг янги, энг чаққон, кичик ҳажмдаги қадоқлаш ва қайта ишлаш ускуналари билан танишадилар. Кўргазмаларга механик қисмларнинг сон кам бўлган, юқори самарали машиналарнинг энг янги нусхалари қўйилади. Бу янги моделлар янада кўпроқ вазифаларни бажара олади.

Сиз кўргазма қошидаги халқаро бизнес марказидан махсус ускуналар ва кўргазма ҳолатига доир барча маслаҳатлар варақаларини ҳар хил тилда топа оласиз. Компьютерлаштирилган тизим маҳсулотларини ишлаш, экспорт қилишга тайёр турган маҳсулот етказиб берувчилар билан тезда боғланиш имкониятини беради. Кўргазма қатнашчилари учун иш юзасидан учрашув хоналари, консултантлар, таржимонлар улар ҳизматида бўлади. Шунингдек, бошқа барча қўлайликлар яратилади.

РАСКЕХРО-98 ва IЕFP-98 кўргазмалари АҚШ савдо вазирлиги дастурига киртилган. Халқаро савдо бўйича мутахассислар ускуналарини импорт қилиш ва экспортчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишда, шунингдек, чет эллик иштирокчиларни таржимон билан таъминлашда яқиндан қўмақлашадилар.

Айни пайтда АҚШ элчихонасининг тижорат хизмати кўргазма ҳақида ва АҚШга бориш, кўргазмада қатнашиш шартлари тўғрисидаги бизда мавжуд барча ахборотларни етказиб туриш вазифасини бажаради. Афсуски, биз ушбу кўргазмада қатнашиш истагида бўлганларни маблаб билан таъминлай олмаимиз.

Агар Сизда кўргазмада қатнашиш истаги бўлса ва ушбу кўргазмада бориш ҳақида саволлар туғилса, марҳамат, 1998 йил 1 сентябргача АҚШ элчихонаси, тижорат бўлимига—1332880, 406706, 406705 рақамли телефонларга қўнгирак қилинг.

«Хўп бўлади»ни ЕБ бўладими?!

Ана, мен иш юзасидан керакли идората кираман. — Хўп бўлади! — дейди идора бошлиғи. — Ишингизни эрта эмас, индинга ҳал қилиб бераман. — Эртани ўтказиб, индин хабарлашаман. — Эртага ҳал қиламиз, — дейди бошлиқ. — Хўп бўлади!

Эртаси яна хабар оламан. — Икки кун сабр қилинг! — дейди бошлиқ. — Хўп бўлади! Уйлапмиз. Яна икки кун ўтди. Яна ушандай жавоб...

Бошлиқ менга иш уна-диган аниқ вақтни айтмайди. Йўқ, деб мени қайтармайди ҳам! Илтимосимни эшикдан чиққаним захоти эсан чиқаради. Бахаришта ё эринади, ё ястамайди. Лекин мен билан илк қарашда яхши, самимий муносабатни бузмайди ҳам! Мен унга қаттиқ гапиролмайман.

Бу касал олдин одамларга ҳам юққандек. Сиздан ёши кичик, ҳатто қўлингиз остидagi одамга иш буюринг. «Хўп бўлади, ака» дейди. Икки кундан кейин эслатасиз. «Хўп бўлади, ака».

Умуман, турчилик — эски касал.

Бировнинг иши, ташвишига бепарволик — эски касал.

Лекин ҳар қандай касал хуруж қилиши мумкин. Олдин олмаса, кўрпа-тушак қилиб, ётиб қолишга тўри келади.

Мен бу гапларни балки ёзмадим.

Бир йиллар тақдир мени ажойиб ўзбек шоири Султон Жура номи билан боғлади. У ҳақда сўзимни айтишга уриндим. Унинг хонадони аъзолари билан орамизга қадрлонлик юзага келди.

Бу кун Андижонда Султон Жура яшаб, яқод қилган ҳовли бузилиб-тўзиб



Ҳадемай мактабларда биринчи кўнгирак янарайд. Ҳар бир ўқувчи ўзи оқиниб кутмак янги ўқув иилини янги таассуротлар билан қаршилайди. Шу сабаб ҳам айни кунларда бозор ва дўконларда ота-онаси ҳамроҳлигида ўқув қуроллари-ю, янги кийим-боши харид қилаётган болаларга дуч келасиз.

Кўни-кеча Тошкент шаҳар Марказий уни-вермагида «Мактаб бозори» очилиши эса айни мўдодо бўлди. Мухбиримиз В. Портнов ушбу дўконда бўлиб, савдо жараёнини тасвирга олди. Қўриб турибсизки, ҳеч бир харидор қуруқ қайтмайпти.

ОРОЛБЎЙИДА ЯНГИ МАКТАБЛАР

Мўйноқ туманидаги Шега овули болаларининг қувончи чексиз. Улар ўқув йилини 600 ўринли янги мактабда бошлайди. Уни «Қорақалпоқроқурилиш» бирлашмасининг тумандаги кўча механиз-лашган жамланмаси бинокорлари қисқа муддатда қуриб битказди.

Мамлакат мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Кўнгирут сода заводи ишчилар шаҳарчасида, Бузатов, Нукус, Элиқалъа туманлари ва Нукус шаҳрида ҳам янги мактаблар очилади.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ОШҚОЗОНДА — ЯРИМ КИЛОГРАММ ГЕРОИН

Одам боласи бебилиска пул топиш, мўмай даромад ортириш мақсадида нималарни ўйлаб топмайди, дейсиз. Тожикистонлик 30 ёшлардаги Ермат Суяков қўшни Туркманистонга республикамиз ҳудуди орқали қарийб ярим килограмм героини... ошқозонда олиб ўтишга уринди. Қандай қилиб дейсизми? Йўлини топибди-да. Олий маълумотли врач эмасми, «янги хунарни» ўзида синаб кўрмоқчи бўлди. Тиббиёт қўлқопчиларидан тайёрланган қирқта резина халтачаларга жойланган оғуни у бир кун давомида ютиб бўлган, йўлга отланди. Унинг бу ҳунари бинойидек ниҳоятга етиши мумкин эди. Аммо...

Сурхондарёлик боқжоначилар «Душанбе-Конибодом» поезди йўловчиларини боқжона назоратидан ўтказиш чоғида йўлнинг бежо ҳаракатлари уларнинг эътиборини тортиди. Сўзлат чоғида унинг оғзидан билинар-билинимас чиқаётган кўпик шўҳанинг беҳуда эмаслигини исботлаб турарди. Шўб-ҳага аниқлик киритиш мақсадида тумондорга сув беришди. Натигада юқоридаги ҳолат аниқланди. Суяковнинг сўзларига қараганда, уни Афғонистон фуқароси катта пул эвазига ёллаган экан.

Эҳтилол, Суяков ана шу халтачалардан ақалли биттаси ошқозонда ёрилиб кетса, тил тортмай ҳалок бўлиши мумкинлигини билмагандир, балким катта пул ҳавосига учиб, ўзи билган ҳолда бундай хатарли ишга қўл ургандир.

Умуман, сурхондарёлик боқжоначилар жорий йилда гиёҳ-вандлик моддалари олиб ўтилишининг олдини олишда жиддий муваффақиятларга эришмоқдалар.

А. ТИЛОВОВ.

ДИҚҚАТ! ЮҚОРИ БОСИМЛИ АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ!

Сизнинг туманингиз ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик қимматбаҳо ишоти — асосий газ қувури трассаси ўтади.

Газ қувури — портлаш ва ёнган ҳавонини келтириб чиқарувчи юксак хавф-хатар манбаидир. Мухрофаза минтақасида ишларни олиб бориш қондаларига риоя қилиш — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Газ қувуридан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун СНиП 2.05.06-85 га мувофиқ қуйидагича хавф-хатар ҳудудлари белгиланган:

- кам олтингеуртли газли газ қувурлари: Муборак-Навоий, Шўртан - Сирдарё ГРЭС - Янги Агрен ва Тошкент ГРЭСлари учун газ қувурлари ўлканинг ҳар иккала томонидан 500 метрдан;
- бошқа газ қувурлари учун — газ қувурларининг ҳар иккала томонидан 250 метрдан.

Одамлар қурбон бўлиши ва моддий зиён қўрилишининг олдини олиш учун газ қувурларининг хавф-хатар ҳудудида бирон-бир иморатлар қуриш, дала ийишларни, хирмонлар, ёниги қўйиш шохобчаларини ташкил этиш;

- моллар учун сувқоқлар ва қўраларни барто этиш;
- сийосе бостирилган ўралар қазини, пичан ғарамлаш, пахтани қуриштириш ва сақлаш майдончаларини ташкил қилиш;
- қум-шағал ва бошқа қарьерларни барпо қилиш;
- ахлат уюмларини тўплаш, сомон ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини ёқиш

КАТБИЯН ТАЪҚИҚЛАНАДИ!

Асосий газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтадиган жойларда улар яқинида йўллар қуриш, кабели, сув қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ва юзасидаги коммуникацияларни ётқизиш «Ўзбектрансгаз» (асосий газ қувурлари бошқармаси, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳажиб кўчаси, 31 «а»-ўй. Телефон: 56-38-07) билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан бериладиган техникавий шартларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Асосий газ қувурлари яқинида хушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

ЎЗБЕКСТАН АСОСИЙ ГАЗ ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИ



«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳаммадиев (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спирidonов, Р. Фарҳодий, И. Худойёров, И. Шогломов, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рунхалдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173; 34565 нусхада босилди.
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қороз бичими А-2
Газета IBM компьютерда термалди ва оператор Селен ўқиди.
Томошани сақлашдан.

Таҳририятда ҳажми 5 қотолда зинд материаллар қабул қилинмайди.

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Тонен.
Набатчи — Н. Мусомов.
Мусахҳас — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.45 1 2 3 4 5 6